## — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни




# ЙЎЛЛАРИМИЗ МУНАВВАР БЎЛАДИ

**Сурхондарёда 840 мингдан зиёд сайловчи бўлса, уларнинг ичида 74 га яқини ёши юзга етган нуроний отахон-онахонлардир**

79-Работаг сайлов участкаси (Шеробод тумани) 18-ҳунар мактабида жойлашган. «Сайловчи овози» деворий газетасидан тортиб, рўйхатлар, плакатлар, китоблар, хуллас, сайловолди тараддудига тегишли нарсалар ҳаммаси бу ерда бор. Ундан сайловчиларнинг қадами узилмайди. Қишлоқ одамларининг қишда вақтлари бемалол эмасми, ўтириб олиб гурунглашадилар. Икки оғиз латифаю турмуш ташвишларидан бошланган суҳбат ўз-ўзидан сайлов ҳақидаги, эл-юрт тақдирию Ватан истиқболи ҳақидаги гапларга улашиб кетади.

Работагда Нормўмин Ражабов деган одам яшайди. Юз ёшни тўлдирди. Унинг секин гап бошлаганини илғаб, маҳалла қўмитаси раиси Абдуғани Бегалиев «бобони эшитинглар», деган ишора билан бошқаларга қарайди.

— Мен йигирмадан ортиқ пошшоликни кўрганман, — дейди Нормўмин бобо киприкларини тез-тез қоқиб олиб. — ҳукуматинг мен бўламан, деб бир кунда уч-тўрт тўда бошимизга бостириб келган пайтлар бўлган. Уҳ, миниб юрган отингни гўштликка топширмасанг дорга тортаман, деган кунларни ҳам кўрганмиз. Уни қўя тур, пахта плони, деб кўрпа-кўрпачангга солинган пахтани олиб қўйишди-ку. Оёқ ости бўлиб яшамабмидик. Мустақиллик келди. Бор экан, Худонинг ёруғ кунлариям. Президентни ҳам, мана, ўзимиз сайлаб оляпмиз.

Бундай кунларнинг қадрқиймати беқиёс. Бошларингга кўтаринглар, эъзозланглар бундай кунларни.

5-умумтаълим ўрта мактабининг ўқитувчилари Сайёра Абдираҳмонова ва Бибиш Болтаевалар ўзларини 60-Ғамбур сайлов участкасининг ташвиқотчилари, деб билади-лар. Бу ишни уларга ҳеч ким тайинлагани йўқ. Лекин, элчилик-да, сайлов бўйича нимадир савол ёки гап билан мактабда жойлашган участкага келувчилар бор. Энг муҳими, сайлов олдидан баҳслашишга, фикр-мулоҳазаларни тиниқлаштириб олишга одамларда эҳтиёж, интилиш бор.

— Ғамбурликлар қизиқувчан, ҳар бир сиёсий воқеага ўзларининг муносабатларини билдиришга ошиқадиган одамлар, — дейди маҳалла қўмитаси раиси муовини Абдуқаюм Турсунов. — Республикамиз Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурларини билсангиз, ёдлаб олганлар бор. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, сайловлар бизда келажакка ишонч кайфияти билан, уюшқоқлик билан ўтади.

Р. Турсуновнинг гапларидан мен бир нарсани илғадим: участка сайлов комиссияларининг ишлари жойида. Ташкилий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Камчиликлар йўқ, деб бўлмас: бирида газета тахламлари йўқдир, яна бирида деворий газета чиқарилмаётгандир, хона иситилмаётгандир. Лекин одамларнинг сайловларга катта қизиқиш билан қараётгани яққол кўзга ташланади. Сайловга ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро ўзича, ўз фикру хулосалари билан тайёргарлик кўраяпти, десак, муболаға бўлмас.

Ана, Шўрчи туманидаги 345-сайлов участкаси қошидаги одамларни кўринг: Тангирова Зиёда, Шоймардонов Абдирайм бобо, Ойсоат Зокировалар... гурунглашиб ўтиришибди. Одам ўзи ўйлаган, идрок этиб юрган гапларни икки оғиз ўртага ташлаб, ўртоқлашиб олганнинг мазмуни, аҳамияти барибир бошқачада.

Шу тумандаги Оққўрғон қишлоғидан бўлса бир гуруҳ сайловчилар участка жойлашган 8-умумтаълим мактабидаги хонада сайловчилар билан суҳбатлар дафтари юритилмаганини ва яна бир қанча камчиликлар борлигини айтиб, комиссия аъзоларига эътирозларини билдиришипти. Билсангиз, илгари комиссиялар одамларни сайловларга жалб қилолмай овора эди. Бугун бўлса сайловчи сайловдан манфаатдорлигини, бу манфаатдорлик рўзғор доирасидан чиқиб, Ватан истиқболи, халқнинг мунаввар тақдири билан туташиб кетаётганини ҳис этиб турибти.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАТАН МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Бугун, янги минг йиллик арафасида турган қай биримизни эртанги кун, халқимиз ҳамда Ватанимиз келажаги ўйлантирмайди, дейсиз? Бу савол мамлакатнинг ва жамиятнинг ташвишлари, манфаатлари билан якдил ҳамнафас бўлиб яшаётган бир фуқаро сифатида шахсан мени ҳам ўйлатади.

Ҳозир мен Мустақилликда яшашнинг ўзи киши зиммасига алоҳида масъулиятлар юклашини бутун борлиғим билан ҳис қилиб турибман. Инсонлар онгида ва руҳида чуқур томир отган тоталитар тузум асоратларини тугатиш, уларнинг ўз куч-қудратига ишончини қайта уйғотиш, ҳар бир фуқаро ўз меҳнат ўрнида туриб шахсий тақдири ва мамлакатнинг ривожланиш йўлини ўзгартиришга муносиб ҳисса қўша олишига қодир эканлигига уни ишонтириш, бу — осон иш эмас.

Мен иримчи эмасман. Бироқ тақдир юлдузи халқимизга бу борада кулиб боқди, деган фикрдан ҳам ўзимни тия олмайман. Буни шу маънода айтаяпманки, мамлакат ҳаётининг туб тарихий бурилиш даврида давлатимиз бошига, ўзбек халқининг бахтига Ислом Абдуғаниевич Каримовдай донишманд инсон ва Йўлбошчини қисматнинг ўзи ато этди. Давлат ва жамият истиқболини олдиндан кўра биладиган, мушкул вазиятларда ғоятда тўғри йўлни топа биладиган Юртбошимиз ривожланишимизнинг улуғвор мақсадларини белгилаб, бу йўлдан бутун Ўзбекистон халқини ишонч билан олға бошлаб бормоқдалар. Мамлакатда ҳар бир соҳада, ҳар бир йўналишда туб ислоҳотлар юз бермоқда, биз қадам-бақадам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти сари одимлаяпмиз.

Ватанимизда юз бераётган чуқур демократик ўзгаришлар одамларнинг шахсий фаоллигини оширмоқда. Жумладан, улар турли жамоатчилик уюшмалари ва ташкилотларига бирлашиб, давлатимизни тубдан қайта қуриш жараёнида жўшқин қатнашмоқдалар. Мамлакатда юзлаб нодавлат жамоатчилик ташкилотлари пайдо бўлиб, улар давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятли ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишни ўз зиммаларига олмоқдалар. Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти уларнинг орасида муносиб ўрин тутади. Бу ташкилот халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла-тўкис амал қилган ҳолда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Унинг фаолияти Президентимизнинг 1992 йил май ойида имзолаган «Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти тўғрисида»ги Фармонидан кейин бошланди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистонда аввалдан мавжуд бу жамоатчилик ташкилотига мустақил Миллий Жамият мақомини бағишлаб, унинг ҳаётида янги даврни очди. Худди ўша Фармондан кейин Қизил Ярим ой Жамияти давлат органлари билан теппа-тенг бир шароитда фаолият юритиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, шу билан бирга, у Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Жамиятлари Халқаро Федерациясининг ҳам тўла ҳуқуқли аъзосига айланди ҳамда унинг раҳбарлик органларидан ўрин олди.

Республика Қизил Ярим ой Жамияти аъзолари ҳозирги кунда муҳим ижтимоий аҳамиятли дастурларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Кулфатли вазиятларда аҳолига ёрдам уюштиришга қаратилган «Сабот-матонат», ёлғиз қарияларга, ногиронларга ва кўп болали кам таъминланган оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдамга йўналтирилган «Меҳр-шафқат» дастурлари шулар жумласига киради. Ёшлар билан ишлаш, аҳоли ўртасида Халқаро Инсонпарварлик Ҳуқуқи бўйича билимларни тарқатиш, қуролли можаролар пайтида бедарак йўқолганларни излаб топиш ҳам ушбу Жамият фаолиятининг муҳим йўналишларидир. Бу дастурларни рўёбга чиқаришда ташкилотимиз Швеция, Германия, АҚШ, Япония, Италия, Испания, Нидерландия, Исландия давлатлари Қизил Хоч жамиятлари ва сайёрамиздаги бошқа турдош ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатган.

Мана шу ҳамкорлик туфайли мамлакатимизнинг турли минтақаларида 11 та тиббий-ижтимоий марказлар ташкил этилди, жумладан, ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш Маркази пайдо бўлди, Қарши ва Наманган шаҳарларида ёлғиз қариялар ҳамда кўп болали кам таъминланган оилаларни бепул иссиқ овқат билан таъминловчи ошхоналар очилди, Шоҳимардонда 60 ишчи ўринли тикув цехи иш бошлади. Ўтган саккиз йил мобайнида Қизил Ярим ой Жамияти орқали республикамизга дори-дармонлар, тиббиёт жиҳозлари ва асбоб-ускуналари, болалар озуқаси, кийим-кечак ва пойафзаллари шаклидаги инсонпарварлик ёрдамлари мунтазам келиб турибди. Молиявий тил билан айтадиган бўлсак, бу ёрдамлар 100 миллион АҚШ долларига тўғри келади. Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти томонидан экологик танг аҳволда яшаётган Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган махсус давлат дастурини амалга оширишга ҳам ўз муносиб улушини қўшмоқда. Чунончи, шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича Америка Қизил Хочи билан биргаликда кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга киришилди. Бу ҳудудлардаги эҳтиёжманд аҳоли 4 минг тоннага яқин озуқа маҳсулотлари билан таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни бажаришга ҳам Қизил Ярим ой Жамияти ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жамиятимиз Миллий Кенгаши қошида ташкил этилган тиббиёт коллежини ҳар йили оғир беморлар ва қарияларга мадад кўрсатиш бўйича махсус билимни эгаллаб, юздан ортиқ шафқат ҳамширалари битириб чиқмоқдалар. Ташкилотимизнинг Ўқув-услубий маркази эса аҳоли ўртасида санитария-гигиена билими тарғиботи билан шуғулланмоқда. Жамиятимиз Халқаро Қизил Ярим ой Қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўрта мактаблар учун «Инсон ва жамият» қўшимча курси бўйича ўқув қўлланмасини нашр этди. Унда Амир Темур, Ибн Сино, Алишер Навоий, Нодира сингари ўтмишнинг буюк давлат арбоблари, олимлари, шоирлари ва маърифатпарварларининг ҳаёти ва ғоялари тимсолида инсонпарварлик ва мурувват каби, Женева Конвенциясида ўз ифодасини топган ахлоқий меъёрлар ўзбек халқига азалдан хос бўлганлиги кўрсатилади. Юқорида саналганлар Жамият амалга ошираётган ишларнинг бир қисми, холос.

Давлат аҳамиятига молик бундай ишларни биз давлат органлари ва ташкилотларининг яқиндан кўрсатган ёрдамисиз амалга ошира олмас эдик. Бу борада Жамиятимиз республика Ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар бўйича вазирлик, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва барча вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг ҳокимликлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Биз шуни фахрланиб айтамизки, давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамиятининг Фахрий Президентидир. Бугун Қизил Ярим ой Жамиятининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, шахсан менинг ўзим ҳам, мамлакат Президентлигига сайловолди кампанияси қизиб бораётган шу кунларда номзодларнинг сайловолди дастурларини катта қизиқиш билан ўргандик. Шунга амин бўлаяпмизки, Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сайловолди дастурида озод Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш мақсадлари чуқур мужассамланган. У демократизм, ҳар бир шахснинг ҳуқуқи ва эркинликлари ғоялари билан суғорилган. Сиёсатни, иқтисодни, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш концепцияси ҳар биримиз учун давлатимиз ва шахсий ҳаётимизни қайта қуриш борасида катта имкониятлар очади. Дастурда ифодаланган устувор йўналишлар халқ фаровонлигини таъминлашга, унинг маънавий, жисмоний, маърифий савиясини юксалтиришга қаратилган.

Менда Юртбошимиз сайловолди дастуридаги аҳолининг, айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган қатлами — ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга аниқ йўналтирилган ёрдамни кучайтириш тўғрисидаги фикрлари алоҳида таассурот қолдирди. Жаҳон амалиётида биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда ногиронлар ва қариялар муаммосини ҳал этиш бўйича махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсади илгари сурилмоқда. Дастурнинг бу қисми туб моҳият эътибори билан Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамиятининг низомий вазифаларига мос келади ва биз бу дастурни ишлаб чиқиш ишига фаол бош қўшмоқдамиз.

Ташкилотимиз, ўз Низомида кўрсатилганидай, сиёсатдан четда туради. Шу билан бирга, у жамиятнинг таркибий бир бўлагидир ва шу боисдан унинг ҳар бир аъзоси мамлакатимизни яқин келажакда ким бошқаришига бефарқ қараб тура олмайди, албатта. Шу сабабли, ташкилотимиз аъзолари давлатимизнинг олдида турган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг аниқ ечимини кўрсата оладиган, мамлакатимизнинг озод ва обод келажагини шак-шубҳасиз таъминлай оладиган номзодни танлаб, Ватан манфаатини ўйлаб овоз берадилар, деб умид қиламан ва ишонаман.

**Ў. ВОҲИДОВА,**
**Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти Миллий Кенгаши Раиси.**

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

# ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизга Олий мактаб халқаро академияси президенти Валентин Шукшунов ташриф буюрди. Унинг мақсади таълим тизимини ривожлантиришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш эди. Меҳмон мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртларида бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этаётган мураббийлар, олим ва мутахассислар билан учрашди.

Учрашувлар чоғида В.Шукшунов Ўзбекистон мустақиллик йилларида таълим соҳасида катта ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос миллий модели бутун дунёда эътироф этилган. Бунинг тасдиғи сифатида жорий йилда Ислом Каримов Олий мактаб халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Ўзбек моделининг устувор йўналиши шахс ва шу асосда давлатни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Ўтган учрашувларда таъкидландики, ҳамма давлатда ҳам таълим соҳасига бу қадар катта эътибор берилмаган. Бугунги кунда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўн фоизи шу соҳа ривожига йўналтирилмоқда. Бунинг самарасини ҳозирданоқ кўриш мумкин. Кўплаб олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда янги ўқув дастурлари жорий қилинди, янги ўқув китоблари яратилди, халқаро меъёрларга мос бўлган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари сингари янгича таълим масканларининг сони тобора ортиб бормоқда.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, кадрлар тайёрлашнинг ўзбекча модели ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатларда ҳам муваффақият билан қўлланиши мумкин. Бу яқинда Тошкентда ўтган халқаро конференция резолюцясида ҳам қайд этилган. Мазкур тадбир Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг икки йиллигига бағишланган бўлиб, унда 17 мамлакат, қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Иштирокчилар мазкур дастур катта амалий аҳамиятга эга эканлигини бир овоздан таъкидлади.

В.Шукшуновнинг фикрича, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муайян натижалар бераётгани Президент Ислом Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича узоқни кўзлаб юритаётган сиёсатидандир. Мазкур ислоҳотдан мақсад эса кучли иқтисодга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун қудратли кадрлар салоҳиятини яратишдир.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# ПОЙТАХТ КЎРКИ



Юртимизнинг турли гўшаларида бир-биридан кўркам савдо мажмуаларининг қад ростлаётгани қувонарли ҳолдир. Айни пайтда бу даргоҳларда элга замонавий савдо хизматини кўрсатиш чора-тадбирлари кўрилиб, шу йўл билан ҳозирги бозор рақобати шароитида ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳам интилишлар кучаймоқда.

Сиз суратда кўриб турган «Фурқат» савдо мажмуаси пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида куни кеча бўй кўрсатган эди. «Ўзбекистон» тижорат-ҳиссадорлик жамиятининг республика савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли бу дўконда 800 хилдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Бу ерга кирган харидорлар эса «қуруқ қўл» билан чиқмаяпти.

**Ҳасанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

### Тадбиркорлик

# ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ФЕРМЕР

Ялламаликлар хўжалик чорвасини Мирвали Фозиловга ишониб, янглишмадилар. Мирвали ака ишни ўзи сингари тажрибакор чорвадорлар билан бамаслаҳат бошлади. Дастлаб асосий эътибор 1995 йилда хусусийлик мақомини олган чорвачилик мажмуи учун белгиланган пулни узишга қаратилди. Бу ишга астойдил киришган чорвадорлар фермани олти йил муддатда эмас, уч йилда тўлиқ сотиб олдилар. Шу билан биргаликда зотдор моллар бош сони сақлаб қолинди. Бу ишлар Чиноз тумани «Фозил» хусусий чорвачилик мажмуи аъзоларининг энг катта ютуқларидан бўлиб қолди.

— Чорвачилик шундай соҳаки, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилинмаса, панд еб қолиш, фойда ўрнига зарар кўриш ҳеч гап эмас, — дейди хусусий чорвачилик хўжалиги раиси Мирвали Фозилов. — Чорва учун ер тақчил бўлиб турган, озуқа техника ёрдамида экилиб, ўрилиб, ташиб келтирилаётган, шу боис маҳсулот таннархи анча юқори бўлаётган ҳозирги шароитда кунига ўн литрдан кам сут берадиган сигирни ушлаб туриш чорвачиликда зиён келтиришини ҳар ким ҳам билавермайди.

Фермада 440 бош зотдор мол парвариш қилиняпти. Шундан юздан зиёди соғин сигир бўлиб, кунига 15-16 литрдан сут беради. Келгусида соғин сигирлар сонини кўпайтириш учун 36 та ғунажин, гўштга топшириш учун 48 та новвос алоҳида парваришланмоқда.

Сир эмаски, кўпгина фермер хўжаликларида чорва моллари учун белгиланган миқдордаги ер майдонларининг етишмаслиги қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолаётир. Буни ўз вақтида ҳис қилган мазкур жамоа аъзолари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Жорий йилда ҳар гектар ердан беш тонна ўрнига 6,3 тонна озуқа бирлиги тайёрлашга эришилди. Қишлов учун 1180 тонна силос, 270 тонна беда пичани, 30 тонна макка пояси, 50 тонна сомон ва табиий пичан жамғарилди. Соғин сигирларни сифатли озуқа, боқувдаги новвосларни мунтазам равишда ем билан таъминлаш мақсадида «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўзида уюшма томонидан 210 тонна шрот, 250 тонна шулха олинди.

Бугунги кунда тадбиркорлар Сирдарё сут заводига ва пойтахт шаҳар Сергели туманидаги супермаркетга шартнома асосида сут ва гўшт етказиб бермоқдалар.

«Фозил» хусусий чорвачилик хўжалигининг меҳнат самарасидан нафақат жамоа аъзолари, балки ялламаликлар, туман аҳли ҳам баҳраманд бўлмоқда. Турли хил хайрия тадбирларига 600 минг сўмдан зиёд пул сарфланди.

— Тадбиркорликни қўллабқувватлашга, мулкчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бўлса-да, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар бор, — дейди Мирвали Фозилов. Тадбиркорнинг айтишига қараганда, хусусий мулк эгаси ҳозирча банк ҳисоб рақамидаги маблағдан ўз эҳтиёжи учун пул ололмаётир. Бу мулкчилик табиатига мантиқан зид ҳолдир. Унинг фикрича, мутасадди ташкилот раҳбарлари масаланинг бу жиҳатларига эътибор қаратишса, манфаатдорлик ортган, натижада мулкчиликни, хусусий фермер хўжаликларини ривожлантириш учун жиддий қадамлар қўйиш имкониятлари яратилган бўлур эди.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

# САРА УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Жиззахда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан 2000 йил пахта ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлаш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мўл пахта ҳосили етиштиришда уруғлик чигитни тўғри танлаш ва жамғариш, бу борада назорат хизмати ҳамда пахта тайёрлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига тўхталди.

Семинар қатнашчилари Пахтакор тумани А.Икромов номидаги пахта тайёрлаш корхонасининг "Элита" уруғчилик фирмасида уруғлик чигит тайёрлаш, уни туксизлантириш, саралаш, дорилаш, сақлаш жараёнларини кўздан кечирди, уруғлик чигит сифатини назорат қилиш лабораторияси иш тажрибаси билан танишди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири**

### «Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

# ТАЪМИР НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Миробод саноат касбҳунар коллежи бир гуруҳ талабалари таҳририятга мурожаат этиб, ётоқхона билан таъминланмаганликлари тўғрисида шикоят қилишган эди.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи жаноб И. Зокировнинг хабар қилишича, мазкур масала ўрганиб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касбҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида 1999 йили Тошкент индустриал педагогика техникумида реконструкция ишлари амалга оширилди ва мазкур техникум Миробод саноат касбҳунар коллежига ихтисослаштирилди.

Лекин техникум ётоқхонасини реконструкция қилиш назарда тутилмаганлиги сабабли, Тошкент шаҳар ҳокимияти ўз имкониятлари ҳисобидан, кеч бўлса ҳам, ётоқхонада таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бугунги кунга келиб, унинг учинчи ва тўртинчи қаватларида 24 миллион сўмлик ишлар бажарилди, биринчи ва иккинчи қаватларида эса таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Умуман, коллежда ётоқхонага муҳтож бўлган талабалар сони 180 нафар бўлиб, реконструкция муносабати билан, улардан яшашга жуда муҳтож бўлган 40 нафари коллежнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1999 йилнинг 1 сентябридан ётоқ билан таъминланганлар, 16 нафари ўз хоҳишларига кўра сиртқи бўлимга ўтказилганлар, учинчи курс талабаларидан 100 нафарига эса ўзларининг доимий яшаш жойларида 1999 йилнинг 1 декабридан 2000 йилнинг 15 февралига қадар амалиёт соатларини ўташларига рухсат берилган ва ҳозирги кунда ётоқхона масаласи ҳал этилган.

Бошқарма Миробод саноат касб-ҳунар коллежининг ётоқхонасини жорий йилнинг декабр ойида тўлиқ таъмирдан чиқарилишини таъминлайди ва муҳтож бўлган талабаларнинг барчаси яхши шароитга эга бўладилар.

## ОЛАМГА БИР НИГОҲ

**Нима? Қачон? Қаерда?**

# ЕВРО БИР ЁШДА

Бир неча кундан сўнг Европа Иттифоқининг (ЕИ) ягона пул бирлиги - евро дунё юзини кўрганига бир йил тўлади. У жорий йилнинг биринчи январида Европа иқтисодий ва валюта иттифоқига аъзо бўлган ўн бир мамлакатда муомалага киритилган эди. Дастлаб европаликлар еврога эҳтиёткорона муносабатда бўлган бўлса, ҳозир ҳисоб-китобларини иложи борича шу валюта билан амалга оширишга ҳаракат қилаётир.

1998 йилда Брюсселда ўтган саммитда еврони келаси йилнинг биринчи январида муомалага киритишга қарор қилинди. Жорий йилнинг дастлабки кунларидаёқ, Франкфуртда евро иштирокида биринчи савдо ўтказилди. Унинг асосий рақобатчиси ҳисобланган АҚШ долларига нисбатан қиймати белгиланди. Дастлаб бир евро 1,1667 долларга тўғри келди. Ҳатто у 1,1883 долларга чиқишга ҳам муваффақ бўлган эди. Бироқ бу евронинг долларга нисбатан энг сўнгги юқори кўрсаткичи бўлиб қолди.

Мутахассислар ҳозир евро ўз бошидан "қора" кунларни ўтказаётганини таъкидламоқда. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар иқтисоди тобора ўсиб бораётган бўлишига қарамай, унинг АҚШ долларига нисбатан қийматини барқарор ҳолда сақлаш қийин кечмоқда. Айниқса, евро учун ёз ойлари анчайин қийин ўтди. Бу даврда евронинг қиймати 1,0009 долларгача тушиб қолган эди.

Маълумки, еврони таъсис этиш ва муомалага киритиш борасидаги ишлар АҚШга унчалик ҳам маъқул тушмаган эди. Америкаликларни тушуниш мумкин. Ким ҳам ўз валютасига рақиб вужудга келишини истайди, дейсиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, Оқ уй ўз валютасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ қилди. Бунинг учун имконият етарли эди. Зеро, АҚШнинг иқтисодий кўрсаткичлари сўнгги йилларда европалик рақибларига қараганда анча юқори. Жумладан, мамлакат иқтисодиёти қарийб ўн йилдан буён тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг учинчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси 5,8 фоизга етди. Ишсизлик ҳам камаймоқда. Европа Иттифоқи давлатлари эса анча ортда қолаётир. Мутахассислар евронинг долларга нисбатан қиймати пасаяётганини асосан шу омиллар билан изоҳламоқда.

Европа Иттифоқи давлатлари ва марказий банки евронинг қадри тушиб бораётганидан унчалик ҳам ташвишга тушаётгани йўқ. Бундай ҳолат фақатгина дунё бозорида кузатиляпти холос ва у валюта иттифоқига аъзо бўлган давлатлар иқтисодиётига ҳеч ҳам таъсир ўтказмаяпти. Аксинча, ички бозорда евро барқарор, қадрсизланиш даражаси жуда ҳам паст. Савдо-сотиқ асосан шу валютада амалга оширилаётир. Хусусан, Германиядан Европа Иттифоқи давлатларига қилинган экспортнинг 50-60 фоизида евро иштирок этмоқда. Хуллас, мутахассислар Европа Иттифоқига аъзо давлатлар иқтисоди ҳам йилдан-йилга юқори суръатда ривожланиб бораётганини таъкидлаб, янги валютанинг истиқболи порлоқ бўлишини эътироф этаётир.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Филиппин соҳили яқинида ҳалокатга учраган кема йўловчиларини қутқариш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.**

* * *

**Табиий офатнинг дастлабки кунларидаёқ, АҚШ қутқарувчилари биринчилардан бўлиб венесуэлаликларга ёрдамга борди.**

* * *

**Ҳиндистонда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш маркази хизматчилари мамлакат пойтахти яқинида қиймати 25 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда героин моддасини тутиб қолди.**

* * *

**Германия ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари Франкфурт халқаро аэропортида террорчиликка қарши кенг миқёсдаги операция ўтказишга киришди.**

* * *

**Миср ва Судан ўртасидаги дипломатик муносабатлар тўла тикланди.**

* * *

**Австралия жанубидаги Олимпик-Дэм уран конида кучли ёнғин содир бўлди.**

* * *

**Черногория ташқи ишлар вазири Бранко Перович истеъфо берди.**

* * *

**БМТ Бош Ассамблеяси халқаро ҳамжамиятни табиий офатдан жабр чекаётган Венесуэлага ёрдамни кучайтиришга чақирди.**

* * *

**Буюк Британия божхоначилари қиймати 3,2 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги наркотик моддани қўлга киритди.**

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

